

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА  
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**26** **Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1303-1*

*(2011 йил 27 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 30 декабрдаги 10-сон (рўйхат рақами 1303, 2004 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 4-сон, 45-модда) қарори билан тасдиқланган Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни қонунчиликнинг талабларига мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 30 декабрдаги 10-сонли (рўйхат рақами 1303, 2004 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 4-сон, 45-модда) қарори билан тасдиқланган Капитал қурилишда икки босқичли танлов савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси**

**Б. ХЎЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 3 январь,  
1-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.